O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 29 апрель №88 (3363) Пайшанба




## *Бугун Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлайди*



ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

## Келажакка комил ишонч билан

Яқинда «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топганлигининг 60 йиллиги кенг нишонланди. Корхона чин маънода мамлакатимиз оғир саноатининг карвонбошиси ҳисобланади. Мустақиллик йилларида корхонада кенг кўламда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди, замонавий электр пўлат эритиш печлари, прокат дастгоҳлари ўрнатилди, юксак ишлаб чиқариш маданиятини таъминловчи илғор технологиялар жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов комбинат жамоасини ушбу муҳим сана муносабати билан қизғин қутлади. Юртбошимиз табригида, жумладан, шундай дейилади: «Бекободлик металлурглар жонажон комбинати Ўзбекистон оғир саноатининг етакчи корхонаси эканлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Айниқса, ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, сизларнинг ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини фақат сақлаб қолмасдан, балки уни юксалтира олганингиз таҳсинга сазовордир. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтира бориб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш дастурини рўёбга чиқариб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз».

Бу эса мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарали амалга оширилаётганидан далолат беради. Улар «Ўзметкомбинат»да модернизациялаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш, пўлатнинг сифатли навларини ҳамда ички ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган бошқа маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга омил бўладиган технологик жараёнларни такомиллаштириш имконини берди. Корхонага «ISO 9001» Халқаро сифат белгиси сертифкати берилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Давлатимиз раҳбари йўллаган табрикда комбинатда ўтган йиллар мобайнида кўп миллатли аҳил, иноқ жамоа ва унда фуқаролик бурчини чуқур ҳис қилиш, уни юракдан адо этишга, Ватанга наф келтиришга интилиш каби бирлашма меҳнаткашларига хос олижаноб фазилатлар шаклланганлиги, шу боисдан комбинатнинг меҳнат аҳли энг мураккаб вазифаларни уддалашга ҳам қодир эканлиги алоҳида таъкидланади.

Юртбошимиз томонидан берилган бундай юксак баҳо, шунингдек, мазкур сана муносабати билан корхонанинг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармон комбинат жамоасини беҳад шод этди. Корхона жамоаси шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига миннатдорчилик мактуби йўллади. Унда жумладан, шундай дейилади:

***«Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!***

***Сизнинг табригингизни Ўзбекистон металлургия комбинати меҳнаткашлари катта қувонч ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан кутиб олди. Комбинат ходимларидан катта бир гуруҳининг ҳукумат мукофотлари билан тақдирланганлиги – кўпминг кишилик ва кўпмиллатли бекободлик металлургларнинг республикамизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига берилган юксак баҳодир.***

***Жамоамиз эришган ютуқлар Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг қонуний натижаси бўлиб, бу натижаларга ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги вазифалар узвий қўшиб олиб борилганлиги туфайли эришилди.***

***Сизнинг табригингизда бизнинг комбинат Ўзбекистон оғир саноатининг байроқдори эканлиги таъкидланган. Бу сўзлар биз учун дастуруламал бўлиб қолади ва ўз тақдирини комбинат билан чамбарчас боғлаган минглаб кишиларга юксак кўтаринки руҳ бағишлайди.***

***Муҳтарам Президент, Сизни ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон металлургия комбинати жамоаси ўз зиммасига олган мажбуриятларини ҳар доимгидай сидқидилдан бажаришда давом этади ва мустақил Ўзбекистон фаровонлиги йўлида янада фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаверади».***

Айни кунларда корхонанинг цехлари ва бўлимларида турли хилдаги ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда. Бекободнинг ўзи ҳам кун сайин ободонлашиб боряпти, бу ерда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга эса комбинат ўз фаолиятида фақат юқори иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш билан чекланмасдан, айни пайтда, ижтимоий вазифаларни ҳал этишни ҳам муҳим деб билаётганлиги натижасида эришилмоқда. Фақат сўнгги пайтларнинг ўзида ишлаб чиқариш салмоғининг ўсиши, экспорт имкониятларининг кенгайганлиги сабабли (масалан, жорий йилда ташқи бозорда 27,1 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот сотилди), шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларига сезиларли миқдорда маблағ йўналтириш имконияти туғилди. Яқинда коллеж, Чимён-Чорвоқ дам олиш ҳудудида «Металлург» пансионати, шаҳарнинг аҳоли турар жой даҳалари орасида учта болалар спорти мажмуаси қурилди. Металлурглар Маданият саройи, Ёшлар уйи, «Металлург» меҳмонхонаси қайта таъмирланди. Мактаблар, шифохоналар, тиббиёт-санитария қисмлари мебель ва замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Келгусида «Бахт уйи», гимнастика, бокс ва енгил атлетика заллари ҳамда сузиш ҳавзаларини ўз ичига олган ёпиқ спорт мажмуаси каби кошоналарни бунёд этиш режалаштирилмоқда.

Металлурглар, Бекобод аҳолиси жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган иқтисодий ислоҳотлар, юз бераётган ўзгаришларнинг самараларини ўз кундалик турмушларида яққол ҳис этишмоқда. Шунинг учун ҳам улар келажакка комил ишонч ва катта умидлар билан қарамоқдалар.

## Парламент қўмита ва комиссияларида

Кеча Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентимизнинг навбатдаги анжумани кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ушбу қўмита Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан биргаликда тайёрлаган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги (иккинчи ўқиш) ҳамда "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳам кўриб чиқиб, сессия кун тартибини маъқулладилар.

Йиғилишни қўмита раиси Н. Исмоилов бошқарди.

* * *

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қўмита раиси М. Умаралиев Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессияси кун тартибига киритилган масалаларнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни тўғрисида сўз юритди. Депутатлар кун тартибини маъқулладилар.

Қўмита йиғилишида, шунингдек, "Экспорт назорати тўғрисида"ги (биринчи ўқиш) қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.

* * *

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг сессияолди йиғилишида Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалалар билан бир қаторда, қўмитанинг 2002-2003 йилларда назорат-таҳлил фаолияти бўйича белгиланган режаларнинг бажарилиши ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масала бўйича республика молия вазирининг ўринбосари Ж. Қўчқоровнинг ахбороти тингланди. Қўмита аъзолари сессия кун тартибидаги масалаларни бир овоздан маъқулладилар.

* * *

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилишида Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси кун тартиби кўриб чиқилди. Уни мазкур қўмита раиси

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

***28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.***

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Иккинчи чақириқ парламентининг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Б. Бугровнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларнинг раислари Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг тайёр эканлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М. Нурмуродовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот лойиҳасини маъқулладилар ҳамда уни парламентнинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган қўшимча масалаларни муҳокама этдилар ҳамда уларни ўн тўртинчи сессия кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси Котибиятининг сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари раҳбарлари билан келишилган ҳолда таклиф этилаётган таркибини ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## Блокларда

Кеча Ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блокининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур блок раҳбари Қ. Обидов олиб борди. Бўлиб ўтган мажлисда дастлаб Олий Мажлиснинг XIV сессияси кун тартибига киритилган масалалар депутатлар томонидан муҳокама этилди ва маъқулланди.

Шунингдек, молия вазири Н. Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Сайловчилар ташаббускор гуруҳларнинг Олий Мажлис депутатлари блокининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлди. Уни блок раҳбари А. Саидов бошқарди. Йиғилишда парламентимизнинг XIV сессияси кун тартибига киритилган масалалар, хусусан, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди. Парламентимизнинг XIV сессиясида қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун лойиҳалари адолатли демократик жамият барпо этишда таянч бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

## Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йил I чорак якунлари тўғрисида

***Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги йиғилишида белгиланган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар комплекси натижасида таъминланди.***

### *Иқтисодий ўсиш*

2004 йил 1 чорагида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,8 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсишнинг янада жадаллашиши таъминланди. Чунки ҳисобот чорагида унинг суръати мустақиллик йилларининг шу муддатдаги кўрсактичларидан анча юқоридир. Жумладан, 2003 йил 1 чорагида бу кўрсаткич 2,2 фоизни ташкил этган.

Ялпи ички маҳсулот ўсиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар ҳажми кўпайиши ҳисобига таъминланди. Шу билан бирга 2003 йил I чорагига нисбатан қурилиш ишлари ҳажми 1,5 фоизга камайди, бу танлов савдолари кечроқ ўтказилганлиги ва бунинг оқибатида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича маблағ билан таъминланиш кечикиши билан изоҳланади.

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**
(ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 2003 йил (I-чорак) | 2004 йил (I-чорак) |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 102,2 | 104,8 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 104,0 | 108,8 |
| Истеъмол моллари ишлаб чиқариш | 102,3 | 114,9 |
| Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти | 103,3 | 106,7 |
| Қурилиш ишлари | 100,2 | 98,5 |
| Чакана товар айланмаси | 98,1 | 105,1 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 102,0 | 111,8 |

### *Давлат бюджетининг ижроси*

Давлат бюджети 2004 йил 1 чорак якунларига кўра ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоизлик профицит билан бажарилди. Солиқ (102,5 фоиз), бож (104,2 фоиз) тўловлари, шунингдек, нафақа (102,5 фоиз) ва йўл жамғармаларига (106,4 фоиз) прогнозлаштирилган даражага нисбатан юқори тушум таъминланди.

Бу ижтимоий соҳа ва аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш харажатларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлади. Мазкур харажатлар 2004 йил I чоракдаги бюджет сарфининг 45,9 фоизини ташкил этди.

### *Пул-кредит сектори*

Пул-кредит сиёсати инфляция жараёнларини чеклаш ҳамда миллий валютанинг алмашув курсини барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилди. Бунинг натижасида пул массасининг ўсиш суръати прогнозда кўзда тутилган 7,1 фоиз ўрнига 3,8 фоизни ташкил этди.

Олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсати туфайли истеъмол ва улгуржи нархлар индексларининг пасайишига эришилди. Бу, ўз навбатида тижорат банклари фоиз ставкаларининг камайишига ижобий таъсир кўрсатди, яъни, қисқа муддатли кредитлар 6,7, узоқ муддатли кредитлар 2,2 фоизга пасайди. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётнинг реал секторига 200 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди, аҳолининг банклардаги омонатлари умумий миқдори эса 16,8 миллиард сўмга (6,9 фоиз) кўпайди.

### *Инфляция ва нархлар*

2004 йилнинг январь-март ойларида истеъмол нархлар индекси бўйича ҳисобланган инфляция даражаси 1,1 фоизни ( 2003 йил I чоракда 5,0 фоиз) ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан товар нархларининг ўсиши 5,1 фоиздан 0,5 фоизгача, аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизмат 5,0 фоиздан 4,5 фоизгача пасайган, натижада истеъмол бозоридаги нарх ўсиши ўтган йилга нисбатан паст бўлди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи жорий йилнинг уч ойида 0,03 фоизга пасайди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг шу даврида мазкур кўрсаткич 5,6 фоизга ўсган. Нооэиқовқат товарлари нархи 2004 йил бошидан 2,0 фоизга ўсди, бироқ бу бултургига нисбатан 1,5 фоизга кам демакдир.

Биринчи чоракда уй-жой ва коммунал хизматлари тарифлари ўртача 6,3 фоизга ўсди ( 2003 йил I чорагида бу кўрсаткич 7,8 фоиз бўлган).

Табиий монополиялар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш тўловлари ўрта ҳисобда 5,8 фоизга ўсди (ўтган йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 6,0 фоиз эди).

### *Саноат*

Жорий йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати 108,8 фоизни ташкил этиб, аввалги йилдаги даражадан юқори (104,0 фоиз) бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 29 апрель куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 апрель куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Муҳтарам муштарийлар!** *«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги имтиёзни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!*

**Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси қонун ижодкорлигига ҳисса қўшиш билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларига дахлдор қонунларнинг жойлардаги ижроси бўйича мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб боради. Ўрганиш жараёнида юзага қалқиб чиққан хато-камчиликлар ва муаммоларни атрофлича муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади. Мухбиримизнинг қўмита раиси Ўткир ҲОШИМОВ билан суҳбатида ҳам шу хусусда сўз борди.**

# ОШКОРАЛИК КЎЗГУСИ

***— Ўткир ака, суҳбатимиз аввалида қўмитанинг қонунлар яратишдаги иштироки ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

— Хабарингиз бор, қўмитамиз аъзолари орасида ижодкор ва олимлар кўп. Шу боис депутатларимиз бевосита қўмитада яратиладиган қонунлар лойиҳаси устида ишлабгина қолмасдан, бошқа қўмиталар томонидан тайёрланаётган қонунлар таҳрири, уларнинг Давлат тили ҳақидаги қонун талаблари даражасида мукаммал ва оммабоп бўлиши учун ҳам қайғурадилар. Бу борада Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси аъзолари, шунингдек, бошқа қўмиталарга раҳбарлик қилаётган Эркин Воҳидов, Акмал Саидов, Машкура Сафаева сингари тилимиз жонкуярлари билан бамаслаҳат иш юритадилар. Табиийки, бу гал ҳам шундай бўлди. Биз навбатдаги сессия муҳокамасига киритилаётган қонунлар лойиҳаларини маромига етказишга баҳоли қудрат ҳисса қўшдик.

***— Қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти қандай кечди?***

— Январь ойи йиғилишимизда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижросини муҳокама қилгандик. Яқинда эса, шу масала бўйича Самарқандда бўлдик ва у ерда талайгина ижобий ишлар амалга оширилганини аниқладик. Масалан, бундан уч йилча олдин борганимизда вилоят телерадиокомпанияси жойлашган иморат анча харобалашиб, техникаси давр талабларига жавоб бермай қолганини кузатгандик. Ҳозирга қадар мавжуд камчиликларни тузатиш борасида салмоқли ишлар қилинибди: телестудия биносини таъмирлаш ниҳоясига етказилаяпти. Таҳририятларга энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилаяпти. Шунга мувофиқ, кўрсатувлар савияси ва сифати тобора яхшиланиб бораяпти. Бу жиҳатдан нодавлат Самарқанд телевидениеси — "STY" эришаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Кўрсатувлари қизиқарли ва дилтортар. У ерда студия меҳмонлари билан томошабинларнинг бевосита мулоқотга киришишлари, ўзаро савол-жавоб қилишлари учун зарур имкониятлар яратилган. Натижада кўрсатувлар таъсирчанлиги ошмоқда.

Шундай ижобий фикрларни вилоят миқёсида ўзбек, тожик, рус тилларида чиқаётган "Зарафшон", "Овози Самарқанд" ва "Самаркандский вестник" газеталари тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Долзарб мавзуларда ёзилган танқидий-таҳлилий мақолалар тез-тез кўзга ташланади. Таҳририятларда ибратли тажрибалар тўпланган, истиқболли режалар тузилган. Бироқ айрим туман газеталарининг фаолияти қониқарли эмас. Мисол тариқасида "Каттақўрғон ҳақиқати"ни олайлик. Унинг адади бор-йўғи 400 нусха. Бу нохушлик муассис сифатида туман ҳокимлигини жиддий ташвишга солиши керак. Чунки қайси нашр ёки радиотелеканал муассиси томонидан қўллаб-қувватланса, унинг фаолияти рисоладагидек бўлади, аҳволи ўнгланади.

Самарқандлик журналистларни ўйлантираётган муаммолардан яна бири кундалик нашрларни чоп этишдаги қийинчиликлардир. Бунинг учун баъзан вилоят газеталаридаям маблағ етишмаяпти. Чекка тумандагилари, моддий аҳволи ночорлари ҳамон эскича усулда босилаяпти. Негаки, замон талабларига тўла-тўкис мос келадиган босмахона вилоятда ҳозирча битта. У энг илғор технологиялар билан жиҳозланган. Исталган ҳажмдаги нашрни исталган миқдорда бир йўла бир неча рангда босиш қувватига эга. Фақат нархи қиммат. Бунинг учун босмахонани айблаш, эҳтимол, ноўриндир. Ҳарқалай, жамоа акциядорлик жамияти саналади. Шундай бўлгач, ўз чиқим-харажатлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мижозлари олдига шарт қўйишга ҳақли. Биз шуни назарда тутиб, иложи бўлса, кичик босмахоналар сотиб олиб, 4-5 та газетани бир жойда босиб чиқариш таклифини киритдик.

***— Адашмасам, қўмитангизда яхши анъана бор: қонунлар ижросини ўрганиш ниятида қайси вилоятга борсангизлар, албатта, адабиёт ихлосмандлари, оддий меҳнаткашлар даврасида бўлиб, мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, туб ислоҳотлар моҳияти ҳақида суҳбатлашасизлар...***

— Ўша анъанамизга бу сафар ҳам амал қилдик. Кўҳна шаҳардаги "Ёшлар саройи"да оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот эркинлигига оид қонунларга бағишланган минтақавий семинар уюштирдик. Унда журналистлар қатори талабалар ҳам қатнашдилар. Самимий мулоқотлар чоғи ёшларнинг қонунчиликка ва матбуотга қизиқишлари бениҳоя... бекиёслиги яққол сезилиб турди. Муҳими, соҳада йиғилиб қолган муаммолар дадил ўртага ташланди. Бошқа жойларда бўлганидек, Зарафшон воҳасида ҳам ёш ва малакали журналист кадрлар етишмаслиги айтилди. Сабаби — Самарқанддан пойтахтга келиб Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон тиллари институтининг журналистика факультетларида таҳсил кўрган йигит-қизлар овозлари кенгроқ ерга тарқалиши имкони мавжудлиги учунми ёки ижод қилиш шароитлари нисбатан яхшироқлиги учунми, кўпинча Тошкентда қолиб кетадилар.

Семинарда бугунги кун журналисти қандай бўлмоғи даркорлиги хусусида ҳам баҳслашдик. Пировардида ўзи кўтариб чиқаётган мавзу ичига чуқурроқ кириб бориши учун журналист бирор соҳага ихтисослашгани дуруст деган хулосага келдик.

***— Охирги пайтларда турли-туман газеталар, ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқориндек, "болалаб" кетди. Эҳтимол, бу қайсидир маънода яхшидир. Аммо уларда ёритилаётган мақолалар бир-бирига уйқаш. Асосан енгил-елпи, олди-қочди гаплардан иборат. Боз устига, аксариятининг тили, ёзилиш услуби ҳаминқадар. Мавзуси тор, бадиий савияси паст. Шунга қарамай, кўпчилик ҳамюртларимиз жиддий нашрлардан кўра негадир ўшанақа газеталарни ўқишга иштиёқманд. Ҳойнаҳой, Самарқандда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилгандир. Кузатилган бўлса, уни таниқли адиб ва ҳозиржавоб публицист сифатида қандай изоҳлайсиз?***

— Очиғини айтсам, бу масала ҳаммамизнинг кўнглимиздаги оғриқ нуқталардан бири. Тўғри, қонун бўйича ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс газета-журнал чиқариши ёки радиотелеканал очиши мумкин. Айни чоғда, ўқувчига манави газетани ўқийсан, анавинисини ўқимайсан, дейишга ҳам ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. У таъби тортган нашрни ўқийди, ўзи ёқтирган кўрсатувни томоша қилади. Бироқ биз, зиёлилар бу жараёнга бефарқ қарамаслигимиз шарт. Негаки, келажак авлодлар олдида масъулмиз. Яқинда — шифохонада даволанаётган маҳалим ўнлаб номдаги газеталар билан танишиб чиққач, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, улардаги "асарлар", боя сиз куюниб таъкидлаганингиздек, бир-бирига жуда-жуда ўхшайдиган, бир-бирини айнан такрорлайдиган, бунданам ёмони, инсон маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган "ҳикоя", "воқеий ҳикоя", "отам айтиб берган ҳикоя"лардан иборат. Бир туркумининг "ғоявий мазмуни" тахминан мана бундай: икки ёш бир-бирига кўнгил қўяди. Уларнинг севгиси шунчалар оташин, шунчалар кучлики, охир-оқибат танишганларига ярим йил тўлар-тўлмас қизнинг бўйида бўлиб қолади. Бўлғуси келинпошшанинг "феодал" отаси билан куёвтўранинг "шаллақи" онаси эса тўйга қарши. Муаллифлар наздида, бутун фожиа ана шунда!

Аслида-чи?.. Асл фожиа қаерда ўзи? Муаллифлар зўр бериб ёмонотлиққа чиқараётган "феодал" ота билан "шаллақи" онадами ёки ор-номусини топтаб, ўз келажагини ҳалитданоқ барбод қилган анави шошқалоқ ошиқ-маъшуқлардами? Таажжубки, инсон руҳининг тадқиқотчиси бўлишга даъвогар муаллифлар бу савол жавобини четлаб ўтишади. "Ёшларнинг жилови бўшашиб кетгани фожиа эмас. Токи бир-бирини севарканлар, билганларини қилаверсинлар, фақат катталар уларнинг бахтига тўғаноқ бўлмасалар, бас" қабилидаги "ғоя"ни олға суришади. Ҳолбуки, бу тушунча бизнинг миллий қадриятларимизга тамомила зид бўлиб, замирида мутлақо бошқа мақсад ётибди.

Ҳозир барча жабҳада глобаллашув жараёни кетаяпти. Чунончи, радио-телевидениеда ҳам, матбуотда ҳам шундай ҳаракат сезилаяпти. Албатта, мен илм-фанда глобаллашув бўлишига қарши эмасман. Чунки ўзбек математикаси билан уммонорти математикасида фарқ йўқ. Дейлик, Япония кибернетикаси билан Канада кибернетикасида фарқ йўқ. Лекин ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам Америка маънавияти билан ўзбек маънавияти ўзаро фарқланиб тургани маъқул. Акс ҳолда, халқнинг халқ сифатидаги қиёфасига путур етади. Ахир, камалак ҳам етти ранг туғаллашгандагина камалак бўлади-ку. Бизлар онгли мажудот — инсонлармиз-ку. Айрим матбуот ходимлари ўқувчиларни хулқ-атвор, одоб-ахлоқ борасида ҳам Европага эргашишга ундаяптилар. Аниқроғи, ўзлари билган-билмаган ҳолда миллатнинг глобаллашувига ҳисса қўшаяптилар. Бу кетишда, бир кунмас-бир кун, миллат ўзлигини бой бериб қўйиши мумкин. Чўлпон ҳазратлари шуни назарда тутиб, бундан юз йилча муқаддам ёзган "Адабиёт надур?" мақоласида бир гапни алоҳида уқтирганди. "Адабиёт яшаса, миллат яшар: адабиёти гулламаган ва адабиётининг тараққийсига чолишлаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётидан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур", деганди.

Айтмоқчи бўлганим, бугунги радио-телевидениенинг, бугунги матбуотнинг вазифаси фақатгина ахборт тарқатиш эмас, балки худди адабиёт сингари миллатни миллат сифатида сақлаб қолиш ҳамдир. Улар биринчи навбатда инсонни тарбиялашга, унинг маънавиятини бойитишга хизмат қилмоғи зарур. Бунинг учун муассислар, жойлардаги раҳбарлар, айниқса, педагог-зиёлилар оммавий ахборот воситаларидаги кўпчиликни ўйлантирадиган чиқишларни қўллаб-қувватлашлари лозим. Зеро, бир пайтлар газетада яхши мақола босилса, мутасаддилар ўртасида кенг ўрганилар, зарур чора-тадбирлар белгиланарди. Эсимда, 1981 йили "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳамда «Ўқитувчилар газетаси»да муаллимнинг қадр-қиммати ҳақида ҳикоя қилувчи "Қалбнинг оппоқ дафтари" сарлавҳали мақолам чоп этилганда шундай бўлувди. Ҳатто Маориф вазирлиги шу асосда махсус қарор қабул қилганди. Ўзи ўқитувчидан чиққан, Ўзбекистон туманида узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаган Алижон Пайғамов эса (Худо у кишининг охиратини обод айласин) мақолани катта миқдорда қайта бостириб, тумандаги жамики мактаблар, идоралару чойхоналаргача тарқаттирганди.

Шубҳасиз, бундай тажрибани газеталар адади кескин камайиб кетган ҳозирги кунда ҳам қўллаш зиён қилмайди. Айниқса, мактаблар, коллеж ва лицейлар ўқитувчилари тарбиявий соат сабоқларини, «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари ўз машғулотларини теран маъноли ва дардли мақолалар таҳлили билан қўшиб олиб борсалар, фойдадан холи бўлмайди. Бу матбуотнинг ҳар бир хонадонга кириб боришини, янада оммавийлашишини таъминлайди. Унинг ошкоралигини кучайтиришга, таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

***"Халқ сўзи" мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.***

# Қоғозбозлик камаяди, масофа қисқаради...

Ёдингизда бўлса, Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг V сессиясидаги маърузасида кўплаб долзарб масалалар қатори бир муаммога жиддий эътибор қаратганди. Ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга дадил татбиқ этиш, кераксиз ҳисоботбозлигу ортиқча қоғозли ҳужжат айланишини қисқартириш эвазига давлат бошқаруви тизими ишини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш юртимизда ўтказилаётган маъмурий ислоҳотнинг муҳим йўналишларидан эканлигини эслатганди. Президентимизнинг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида бу ғоя мукаммал ифодаланди. Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат қарори қабул қилинди. Кейинчалик, ўша Фармон ва қарорда кўзда тутилган ниятнинг ҳуқуқий заминини яратиш учун "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ҳамда "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари яратилди. Ҳар иккала лойиҳа парламентимизнинг XIII сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этилди. Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштирди. Эндиликда бу лойиҳалар навбатдаги сессия кун тартибига иккинчи ўқишда муҳокамага қўйилиши мўлжалланмоқда.

Қўмита раиси ўринбосари Суфҳонжон Солиев бизга тақдим этган маълумотларга қараганда, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси 19 моддадан иборат. Унда электрон ҳужжатнинг юридик мақоми ва реквизитлари кўрсатилган. Масалан, 7-моддада электрон ҳужжат қоғоз жисмдаги ҳужжатга тенглиги, у билан бап-баравар ҳуқуқий кучга эгалиги таъкидланган. 10,11,12,13-моддаларда электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари аниқланган. Навбатдаги моддаларда электрон ҳужжатни жўнатиш-у олиш вақтига тааллуқли меъёрлар, электрон ҳужжатларни сақлаш ва муҳофаза қилиш тартиблари ўз ифодасини топган.

Жараён

Икки сессия оралиғида қўмита лойиҳани пишитиш устида қизғин иш олиб борди. Шу асно унга бир қанча таклиф ва қўшимчалар киритилди, таҳрир қилинди. Чунончи, аввалги нусханинг 4-моддаси 1-хатбошисида "Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади", дейилганди. Кейинчалик ушбу жумла "ахборот тизими орқали" сўзлари билан тўлдирилди. Шу тариқа электрон ҳужжатлар алмашуви фақат ахборот тизимлари воситасидагина амалга ошиши алоҳида уқтирилди. Акс ҳолда, "электрон ҳужжат айланиши" тушунчаси ўз маъно-моҳиятини йўқотади. Бу имкониятдан янада кенг фойдаланиш мумкинлигини эслатиш мақсадида мазкур модданинг 2-хатбошиси ҳам ўзгартирилди: "ҳужжатлар" сўзи олиб ташланиб, "бошқа ахборотни етказиб бериш учун" жумласи "бошқа ахборотни ўтказишда" шаклига келтирилди.

Олдинги лойиҳанинг 5-моддаси 3-хатбошиси "Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари идрок этиши учун яроқли шаклда тақдим этилиши керак" тарзида берилганди. Лойиҳа устида ишлаш асносида "Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак", дейилди. 6-модданинг 2-қисмидаги "Қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин" деган гап "Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишувида электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин", дея таҳрир этилди.

8-моддадаги "Электрон ҳужжатнинг ҳар бир ўхшаш нусхаси унинг ҳақиқийлиги белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда асл нусха деб ҳисобланади" деган жумла ўрнини "Электрон ҳужжатнинг ҳар бир айнан бир хил нусхаси, башарти у белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган бўлса, асл нусхадир", деган гап эгаллади. 11,12-моддалар ҳам ойдинлаштирилди. "Электрон ҳужжат реквизитларида номи кўрсатилган ҳамда электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчига электрон ҳужжатни жўнатаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон ҳужжатни жўнатувчидир", "Электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан электрон ҳужжат қайси юридик ёки жисмоний шахсга йўлланган бўлса, шу шахс электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчидир", деб таҳрир қилинди. 13-моддада тилга олинган ахборот воситачиси "Электрон ҳужжатларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш хизматларини шартнома асосида кўрсатувчи" эмас, "Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи" сифатида ифодаланди. Бинобарин, ахборот воситачисининг фаолият доираси кенгроқ баён этилди. У фақат электрон ҳужжатни жўнатиш ёки қабул қилиш билангина чекланмай, унинг айланишига доир бошқа юмушларни бажариш ҳуқуқига ҳам эга.

Юқоридагига ўхшаш ўзгартиришлар 15-моддага ҳам киритилди. Унинг 2-хатбошиси "Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжат келиб тушган вақт электрон ҳужжат қилиб олинган вақт ҳисобланади", деб тузатилди. Бу демак, электрон ҳужжат келиб тушиши лозим бўлган ахборот тизими билан электрон манзил айнан бир хил маънони англатади. 3-хатбоши меъёрларга номувофиқлиги сабабли лойиҳадан чиқарилди.

Иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола қилинаётган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам икки сессия оралиғида ҳар жиҳатдан бойитилди. Халқаро ва мамлакатимиз қонун ҳужжатлари талабларига мослаштирилди.

Ушбу ҳужжатлар юридик мақомга эга бўлгач, мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, дастлабкиси электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратишга қулай имконият туғдиради. Тизимни такомиллаштиришга, унинг тезкорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида қоғозли ҳужжатлар айланиши улушини пасайтиришда жуда қўл келади. Кейингиси эса, электрон тижорат соҳасидаги фаолиятни рўёбга чиқариш борасида юридик пойдевор вазифасини ўтайди. Хуллас, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига янада жадал интеграциялашувига кўмаклашади.

**Ҳ. АБДУНАБИЕВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

*Польша:*

## УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Маълумки, шу йилнинг 1 майидан Европа Иттифоқига яна ўнта давлат қўшилади. Бу воқеа дунёдаги глобаллашув жараёнини янада тезлаштириши тайин.

Европа оиласига қўшилаётган давлатлар ичида Польша ҳам бор. Мамлакат сиёсатчилари, тадбиркорлари ва бошқа расмий доиралари ўз давлатининг ЕИ га киришини қўллаб-қувватламоқдалар. Сабаби мамлакат иқтисоди Европага яқинлашади.



Польша иқтисодиётига четдан баҳо берадиган бўлсак, қисқа давр ичида ишлаб чиқариш суръатлари кескин кўтарилиб, иқтисодий эркинликка эришилди. Бугунги кунда ўртача ойлик маош 250-300 АҚШ долларини ташкил этаяпти. Шундай бўлишига қарамасдан, ечимини кутиб турган масалалар ҳам талайгина. Ишсизлик муаммоси ҳамон ҳукумат олдида турган долзарб масалалардан биридир. Ишсизлар мамлакат аҳолисининг 20 фоизини, яъни уч миллион одамни ташкил этади. Мамлакат ЕИга кирганидан сўнг бу масала ечимини топиши мумкин. Чунки Польша Европа ҳамжамияти аъзоси бўлгач 1,5 миллионга яқин ишсизлар учун бошқа давлатларга бориб ишлаш имконияти туғилади.

Мамлакатнинг ЕИ киришига нисбатан аҳоли ўртасида турли қарашлар мавжуд. Аҳолининг маълум бир қатлами (ўзларини антиглобалистлар деб атовчилар) Европа Иттифоқига қўшилишга қаршилик билдиришмоқда. Улар ҳатто норозилик намойишларини уюштиришмоқчи. Ҳукумат эса айнан шу намойишлар оғир оқибатларга олиб келишидан хавотирда. Оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш учун 28-30 апрель кунлари шаҳар марказида жойлашган барча муассасалар ишламайди. Мактаб ва боғчалар ёпиб қўйилган.

Хўш, тартибсизликларни келтириб чиқариб ҳукуматни хавотирга солаётган антиглобалистлар нимадан норози? Маълум бўлишича, 1 майдан бозорлардаги нарх-наволар икки-уч баробар кўтарилиши мумкин. Бундан ташқари, ЕИ таркибида умумий солиқ ставкалари ҳам ошади. Бу эса, албатта, Польша аҳолиси даромадларига таъсир этмай қолмайди.

Аҳолининг яна бир қатлами борки, улар ўзини глобалистлар деб аташмоқда. Уларнинг фикрига қараганда, Польшанинг ЕИ қабул қилиниши катта тарихий ютуқдир.

Польша президенти Александр Квасневски бу воқеага ўз муносабатини билдираркан, шундай деди: «ХХ аср давомида кўҳна қитъа шарқий Европа ва ғарбий Европага бўлинган эди. 1 майдан бу қарашга барҳам бериладиган бўлди. Европа давлатлари эндиликда бир оила мисоли якдил қадам ташламоқда. Мамлакатимиз халқаро саҳнада ўз ўрнини янада мустаҳкамлайдиган бўлди.»

Польшада кеча бошланиб бугун ўз ишини тугатадиган Европа иқтисодий форумида умумиттифоқ иқтисодиётини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинади.

Бир сўз билан айтганда, шу кунларда Польша йирик анжуманлар марказига айланган.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**
**Варшава.**

### Махсус хизмат амалиётлари



Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида мамлакат махсус хизмат вакиллари ўтказган амалиётлар давомида уч нафар террорчи ўлдирилди, яна бири ҳибсга олинди.

Мамлакат хавфсизлик хизмати вакилининг айтишича, Дамашқда ўтган куни содир этилган отишмаларга алоқадор гуруҳ қўлга олинган. Ҳозир мамлакатдаги вазият тўлиқ назорат қилинмоқда.

### Олтилик учинчи марта учрашади

Шимолий Кореянинг ядровий дастури бўйича олти томонлама музокараларнинг учинчи учрашуви тахминан май ойининг ўрталарида бўлиб ўтади. Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагути ана шу ҳақда маълум қилди. Хитой, Япония, КХДР, Жанубий Корея, Россия ва АҚШ вакиллари қатнашаётган ушбу учрашувлардан олдин ишчи гуруҳининг музокаралари бўлиши ҳам режалаштирилган.

### «Microvision»нинг янги технологияси




Американинг «Microvision» компанияси инсонга одатдагидан кўра кўпроқ манзараларни кўриш имкониятини берувчи янги технология яратди. Янги тизим нурларни тўғридан-тўғри кўз қорачиғи етказиб, биз одатда кўраётган атроф-муҳитнинг манзарасини тубдан ўзгартиб кўрсатиши мумкин. Масалан, мазкур технология ҳарбийларга жанг майдонини юқоридан кузатиш, авточилангарларга эса иш пайтида автомобилнинг барча қисмларини қандай ишлаётганини кўриш имконини беради.

### Тинчликни сақлашда ҳам олдинги сафда



Ливия етакчиси Муаммар Қаззофий оммавий қирғин қуролларидан воз кечиб, бутун дунё аҳлини лол қолдирганди. Қаззофий яқин 15 йилда биринчи бор Европага қилган сафари чоғида Ливия дунёда тинчликни сақлашда етакчи ўринлардан бирини эгалламоқчилигини ва мамлакат Европа ҳамда Африкани боғловчи давлат бўлишини билдирди. Қаззофий Брюсселдаги чиқишида мамлакат оммавий қирғин қуролларидан воз кечиб, анча ютуқларга эришганини қайд этди.

### Ишламаган тишламайди

Буюк Британия муҳожирларга нисбатан сиёсатини ўзгартирмоқчи. Мамлакат Бош вазири Тони Блэрнинг айтишича, Британия ЕИга янги аъзо бўлаётган давлатлардан фақат ишсизлик нафақалари олиш учун келган муҳожирларни қабул қилмайди. Шунингдек, у ишлашни хоҳламайдиган ҳар қандай муҳожир ижтимоий имтиёзлардан ҳам маҳрум бўлишини билдирди.

### Олимпиада суғурта қилинди

Халқаро олимпиада қўмитаси Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада — 2004 ўйинларининг табиий офат ёки террорчилик хуружлари оқибатида ўтказилмай қолиш эҳтимоли учун 170 миллион АҚШ долларига суғурта қилди.

Бу ҳақда ХОҚ вакили Жизель Давье маълум қилди. Унинг айтишича, Олимпиада яхши ўтишига шубҳа йўқ, шунга қарамай Олимпиада — 2004 ўйинлари суғурта қилинди.

### Овсин туфайли

Тожикистон шу ҳафтанинг бошида Россиядан гўшт маҳсулотларини олишни чеклади.

Мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Давлат ветеринар инспекциясининг маълумотига қараганда, Россиянинг Амур вилоятида моллар овсин касалига чалингани ҳақидаги хабарлардан кейин шундай чоралар кўрилмоқда.

### «Мона Лиза» «ўлаяпти»



Парижнинг Лувр музейидан жой олган Леонардо да Винчининг машҳур «Мона Лиза» расмининг аҳволи ёмонлашиб бормоқда.

Франция музейларини қайта таъмирлаш маркази мутахассисларининг фикрича, расм чизилган толдан ясалган юпқа тахта ёмон ҳолатга келган, баъзи жойларининг шакли ҳам ўзгарган.

Лувр музейи вакиллари мазкур масала бўйича тадқиқотлар ўтказилишини маълум қилишди.

# Глобал ўсиш кутилаяпти

Халқаро Валюта Фонди жаҳон иқтисодий ўсишининг сўнгги башоратларини эълон қилди. Унга кўра, 2004 ва 2005 йилларда дунё иқтисодиётида глобал ўсиш рўй бериши кутилмоқда. Ахборотда айтилишича, жорий йилда жаҳондаги иқтисодий ўсиш 4,6 фоизни, келгуси йилда эса 4,4 фоизни ташкил этади.

ХВФнинг етакчи иқтисодчиси Рагхурам Раджаннинг таъкидлашича, 2004 ва 2005 йиллар сўнгги ўн йиллардаги энг баракали давр бўлади.

Маълумотларда таъкидланишича, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари жуда юқори ўсишга эришади. Ушбу давлатлар иқтисоди 2004 йилди 7,4 фоиз, 2005 йилда 7 фоизга ошади. Р. Раджаннинг фикрича, бу борада минтақа мамлакатлари ичида Хитой Халқ Республикаси олдинги ўринни эгаллайди.

Аммо бу қадам Хитойнинг барча муаммоларини ҳал эта олмайди, дейди иқтисодчи масалага эҳтиёткорлик билан муносабат билдириб. Бу ўсишдан "куйиб қолиш" ҳам ҳеч гап эмас. Чунки иқтисоднинг жуда тезлик билан ривожланиши инфляцияни келтириб чиқариши мумкин.

Япония ҳам иқтисодий ўсишда кутилаётганидан яхшироқ натижаларга эришади. Бироқ ХВФ экспертлари бу юксак кўрсаткичларни бир маромда ушлаб туриш қийин кечишини таъкидлашмоқда.

АҚШда жорий йилда 4,6, келгуси йилда эса 3,9 фоиз ўсишга эришилади. Бу мамлакат иқтисодиёти 2001 йилнинг 11 сентябридан кейинги катта ўсиш бўлади.

Европа бир маромда ривожланишда давом этмоқда. Кўҳна қитъа давлатларида унчалик катта ўсиш кутилмаяпти. Иқтисодиёт 2004 йилда 1,7, 2005 йилда 2,3 фоизга ошади, холос.



Мардлар қўриқлайди Ватанни

# Профессионал армия сари

**_Истиқлолга эришганимиздан кейин бошқа соҳалар каби Қуролли Кучларимизда ҳам босқичма-босқич ўтказиб келинаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакат мудофаа тизимини мустаҳкамлаш йўлидаги бундай интилишлар ҳосиласи ўлароқ, бугун ҳарбий қисмларда бўлсангиз, янгиланишни дарҳол илғайсиз. Сирасини айтганда, бугунги юрт ҳимоячиси ўз аждодини яхши англаган, англаб бораётганлардан иборатдирки, у нимани кўз қорачиғидек асраётганини теран тушунади._**

## Янгиликка юз тутиб

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ҳарбий тизимни ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. Ёдингизда бўлса, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари армия ҳақида гапириб, бу соҳада бутунлай янгича иш олиб бориш хусусида тўхталган эдилар. Юртбошимизнинг Қуролли Кучлар олдига қўйган талабларидан келиб чиққан ҳолда 2002 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ва 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилиниши ҳарбий хизматни мамлакатимизда олиб борилаётган жамиятни демократик тарзда янгилаш жараёнларига мувофиқлаштириш имконини берди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг ҳарбий соҳада бир қатор янгиликлар, жумладан, ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши (18 ойдан 12 ойга), сафарбарлик чақирув резервидаги хизматнинг юзага келиши, Сержантлар мактабининг ташкил этилишига замин яратилди ва шундай бўлди ҳам. Хўш, мудофаа тизимида бундай янгиликларни жорий этишга қандай зарурат бор эди? Келинг, шу саволга жавоб излайлик.

## Бир ойи йилга татийди

Ҳарбий хизмат муддатининг 12 ой этиб белгиланиши юртдошларимизнинг айни дилидаги гап бўлди. Ёш йигитнинг барча ҳарбий машғулотларни ўзлаштиришига бу фурсатнинг ўзи кифоя. Зотан, бунда вақтдан унумли фойдаланиш афзал кўрилган.

— Армия ҳаётига болалигимданоқ қизиқардим, — дейди олтиариқлик Фарҳод Акбаров. — Лекин гапнинг очиғини айтсам, армия ёшига етмасдан олдин икки йил муддат кўп эмасмикан, деб ўзимча ўйлаб юрардим. Қарангки, йигитлик бурчимни ўтайдиган вақт келганда хизмат муддати бир йил бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Энг асосийси, Тошкентда, энг яхши қисмда хизмат қилиб қайтдим. Таассуротим бир олам, ўтган фурсат мобайнида яхши дўстлар орттирдим. Айтмоқчи бўлганим, бир йил муддат жанговар тайёргарликни ўрганиш учун бемалол етар экан.

Сафарбарлик чақирув резервидаги хизматнинг йўлга қўйилиши жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотиши бежиз эмас, албатта. Чунки хизматнинг бу тури қулай ва афзаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" Қонунида қайд қилинганидек, "Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар".

Маълумки, бундаги хизмат муддати бир ой ва у белгиланган маблағ Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилгач амалга оширилади.

— Университетда ўқиб юрган пайтимда маълум сабабларга кўра, ҳарбий кафедрада таҳсил ололмадим, — дея ўз фикрини ўртоқлашади оқдарёлик йигит Азизхон Муродов. — Ўқишни битириб, оилали бўлдим. Армияга бориш ҳақида ўйлаб юрганимда, чақирув қоғози келиб қолди. Чақирув пунктига борсам, у ердагилар менинг шароитимни ўрганиб чиқишиб, сафарбарлик чақирув резервида хизмат қилишимни айтишди. Дарҳол пулни тўладим. Бир ойлик йиғинларда қатнашиб қайтдим. Бошда хизмат муддати бир ойлик бўлса, унчалик нафи йўқдир-да, деб ўйлагандим. Кейин билсам, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар қатори йиғиндан ўтганларга ҳам бир қанча имтиёзлар бор экан.

Ўрни келганда яна шуни айтиб ўтишни истардикки, юқоридаги Қонунга биноан сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинганлар тўлайдиган маблағ муддатли ҳарбий хизматдаги хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириши, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аниқ мақсадли йўналтирилади.

## Ҳарбий мутахассислар даргоҳи

Бугунги кунда юртимизда тўртта Сержантлар тайёрлаш мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг мақсади, Қуролли Кучларимиз сафига жисмонан бақувват, маънан етук мутахассисларни етказиб бериш.

— Дунёда шарафли касблар кўп, аммо улар орасида Ватанни ҳимоялашга бел боғлаган ҳарбийларнинг касбини янада шарафлироқ ва масъулиятлироқ деб биламан, — дейди ғурур билан Самарқанддаги Сержантлар тайёрлаш мактаби комендантлик взводи қўриқлаш гуруҳи кичик сержанти Пўлат Тўлаганов. — Бу ёғини сўрасангиз, Сариосиё ва Узун туманларида юрт ҳимояси учун жангга отланган йигитларимизнинг ҳалок бўлиши мени ҳали-ҳануз чуқур изтиробга солади. Нега десангиз, уларнинг ширин жонлари ўзларига, ота-оналари, оиласига керак эмасмиди? Бу саволлар мени ўйлантираётган кунлари ҳарбий хизматга чақирилдим ва Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида армия ҳаётига кўника бошладим. Туғилиб ўсган туманим Ангор, Сариосиё ва Узун туманларидан унча узоқ эмас. Ватан ҳимояси йўлида жон берган жасур йигитлар ишини давом эттириш албатта зарурлигини англадим. Яна қарангки, шу орада Президентимиз ташаббуси билан мен хизмат қилаётган ҳарбий қисм базасида Сержантлар тайёрлаш мактаби очилди. Хизматдан сўнг ана шу мактабнинг дастлабки курсантларидан бирига айландим.

Шуни мамнуният билан айта оламизки, бошқа сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳам Пўлатга ўхшаган қалби ғуруру шижоатга тўла йигитлар ўқишмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги салоҳияти унинг ҳарбий қудрати, Қуролли Кучларимиз имконият даражасига ҳам бориб тақалади. Ана шу қудратнинг нечоғлик залворли бўлиши эса мустақил армиямиздаги ислоҳотларнинг изчил амалга ошиши билан бевосита боғлиқ. Юқорида таъкидланган янгиликлар замирида ушбу ислоҳотларнинг бориши, профессионал армия сари интилиш жараёни қай тарзда кечаётгани акс этмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Журналнинг янги сони




## «Тафаккур»ни варақлаганда

«Тафаккур» журналининг яқинда нашрдан чиққан навбатдаги 2-сонини варақлаймиз. Унинг дастлабки саҳифаларида маънавият ва тарих мавзуларида ўзига хос янги нуқтаи назарларни ҳадя этувчи таниқли публицист Муртазо Қаршибойнинг «Мурувват — мардлар фазилати» ҳамда Баҳодир Зокирнинг «Ғарб ва Шарқ либерализми» мақолалари билан танишамиз.

Адабиёт мухлисларида ушбу сонда эълон қилинган таниқли шоира Гулистон Матёқубованинг «Қайта туғиламан қарашингиздан» номли шеърлар туркуми, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг «Абдулла Қаҳҳор жасорати» сарлавҳали эссеси, марҳум адибимиз Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар» номли сўнгги, қайғули битикларидан парчалар алоҳида қизиқиш уйғотиши, табиий.

Бундан ташқари, журналда «Руҳий сабоқлар», «Тақдирдаги тадбирлар», «Талқин ва тадқиқотлар» рукнлари остида ҳам бири-биридан ўқишли, кишини тафаккурга чорловчи мақолалар чоп этилган.





НИЗОМИЙ номидаги
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**
куйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

**I. КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:** математика ва уни ўқитиш методикаси (1), информатика ва таълимда ахборот технологиялари (1), чизма геометрия, чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси (1), зоология, анатомия ва физиология (1), география ва уни ўқитиш методикаси (1), рус ва чет эл адабиёти (1), рус тили ва адабиёти ҳамда уни ўқитиш методикаси (1), халқ қўшиқчилиги ва дирижёрлиги (1), математик таҳлил (1).

**II. ПРОФЕССОРЛАР:** фалсафа (1), умумий психология (1), физика ва уни ўқитиш методикаси (1), зоология, анатомия ва физиология (2), кимё ва уни ўқитиш методикаси (1), ҳозирги ўзбек адабиёти (1), бошланғич таълим ва тарбиявий иш (1), дефектология (1).

**III. ДОЦЕНТЛАР:** иқтисодий назария (2), чақириққача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний таълим (1), гуманитар факультетларда чет тиллар (2).

**IV. КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:** жисмоний тарбия ва спорт (2), чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия (1), тиббий билим асослари ва фуқаро ҳимояси (1), гуманитар факультетларда чет тиллар (1).

**V. ЎҚИТУВЧИЛАР:** демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (3), тиббий билим асослари ва фуқаро ҳимояси (0,25).

Кафедра мудирлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.
Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, ходимлар бўлими. Мулоқот учун телефон: 55-68-70.**

Ректорат.

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**
ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**



- неврология — кафедра мудири, ассистент (2);
- нейрореабилитация ва рефлексотерапия — кафедра мудири, доцент, ассистент;
- фармакотерапия ва гастроэнтерология — доцент, ассистент (2);
- психиатрия ва психотерапия — доцент (2), ассистент;
- пульмонология ва клиник аллергология — профессор, доцент (2);
- гематология ва трансфузиология — кафедра мудири, профессор, доцент, ассистент;
- ревматология ва нефрология — кафедра мудири, ассистент (3);
- тери-таносил касалликлари — доцент, ассистент;
- физиотерапия ва тиббий реабилитация — ассистент;
- болалар анестизиологияси ва реанимацияси — кафедра мудири;
- болалар асаб касалликлари — кафедра мудири, доцент (2), ассистент (2);
- 1-акушерлик ва гинекология — доцент (2), ассистент (3);
- 2-акушерлик ва гинекология — кафедра мудири, доцент (2), ассистент;
- педиатрия ва функционал диагностика — кафедра мудири, доцент (2), ассистент;
- ортодонтия ва болалар стоматологияси — кафедра мудири, ассистент;
- наркология — кафедра мудири, ассистент;
- болалар жарроҳлиги — кафедра мудири;
- врачлик меҳнат экспертизаси — доцент (2), ассистент (2);
- микробиология ва умумий гигиена — доцент;
- соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш — доцент;
- инновацион технологиялар ва молия менежменти — ассистент;
- болалар юқумли касалликлари — доцент;
- отоларингология — ассистент;
- 2-стоматология — кафедра мудири, доцент, ассистент (2);
- жарроҳлик — кафедра мудири, профессор, доцент;
- офтальмология — доцент, ассистент;
- травматология ва ортопедия — кафедра мудири, доцент, ассистент (2);
- шошилинч тиббий ёрдам — кафедра мудири, ассистент (2);
- жарроҳлик стоматологияси — ассистент;
- урология — ассистент;
- 1-стоматология — кафедра мудири, ассистент.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
BANK


Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати жамоаси Янгийўл тумани Юридик маслаҳатхонаси мудири Манзура Мираҳмедовага волидаси
**НАЗИРА аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Валижон Юлдашевга отаси
**Юсупжон ЮЛДАШЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 572. 29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.50 23456